



Taqiqot.uz



АНДУМАН | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022
ДЕКАБР
№47



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
12-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-12**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-12**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

1. Матякубов Азиз	
КИНО САНЪАТИДА УРУШ МАВЗУСИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ	7
2. Sh.Toshkentboyeva	
TASVIRIY SAN'ATDA SHARTLILIK TUSHUNCHASI.....	9
3. Сайдова Нилуфар Баҳодир қизи	
ТАБИЙ МУЗЕЙ АШЁЛАРНИ МУЗЕЙ ФОНДИДА ТЎҒРИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	11



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

КИНО САНЪАТИДА УРУШ МАВЗУСИННИГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Матякубов Азиз
ЎзР Фанлар академияси Санъатшунослик
институти таянч докторант
Телефон: +998977231763
aziz-matyakubov@mail.ru

Аннотация. Мақолада уруш мавзусининг кино санъатида пайдо бўлиш тарихи ва алоҳида хусусиятлари кўриб чиқилган. Уруш мавзусида яратилган илк фильмлар таҳлил этилиб, уларнинг юзага келиш омилларига эътибор қаратилган. Шунингдек, мақолада уруш мавзусида яратилган дастлабки фильмларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: бадиий кино, уруш мавзуси, қаҳрамон, сюжет, конфликт, ғоя.

Кино санъатида уруш мавзусининг юзага келиши бевосита дунё миқёсида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. Айниқса, XIX аср сўнгги ўн йиллигига юз берган япон-хитой уруши (1894-1895), биринчи грек-турк уруши (1897), биринчи итальян-эфиоп уруши (1895-1896), испан-америка уруши (1898), филиппин-америка уруши (1899-1902), инглиз-бурск урушлари (1899-1902) эндиғина юзага келган кинематограф учун долзарб мавзуга айланди. “Испан-Америка ва инглиз-бурск урушлари кинематографистлар томонидан ёритилган биринчи жанглар бўлди. Факtlарга асосланган қисқа ҳарбий саҳналар эса уруш мавзусидаги фильмларнинг илк жанрий хусусиятларини акс эттириди” [3; 35].

Кино тарихида уруш эпизодларига бағишлиланган дастлабки кадрларни кинематограф асосчиларидан бири, франциялик режиссёр Жорж Мельес (1861-1938) суратга олди. Хусусан, режиссёрнинг 1897 йилда ишланган грек-турк уруши билан боғлиқ “Грециядаги денгиз жанги” (фр. Combat naval en Grèce), “Сўнгги патрон” (фр. La dernière cartouche), “Турнавоснинг забт этилиши” (фр. La prise de Tournavos) [2; 367] номли 50-60 сониялик қисқаметражли фильмлари урушнинг кичик эпизодларини акс эттириди. Масалан, “Грециядаги денгиз жанги”да кичик ҳарбий кема палубасида капитаннинг матросларни замбарак олдига чорлаши, душман томонидан отилган ўқ туфайли матрослардан бирининг ҳалок бўлиши кўрсатилса, “Сўнгги патрон”да ҳароба уйлар ичидан туриб аскарларнинг ташқарига ўқ узиши ва улардан бирининг яраланиши тасвиirlанган. “Турнавоснинг забт этилиши”да эса турк аскарларининг душман мудофаасини ёриб ўтиб, душман аскарлари яширинган дарвозани портлатишлари ифодаланган. Маълум жанг фрагментларидан иборат мазкур фильмлар бугунги нигоҳ билан қарапланганда ўта примитив туюлса-да, улар уруш манзарасини ёритишга интилгани ва буни саҳналаштириш (постановка) орқали амалга оширгани билан аҳамиятлидир.

Уруш тўғрисидаги биринчи фильмлар ўзининг содда тузилиши ва шартли ижроларига қарамай, кейинчалик кино санъатида катта йўналишни ташкил этган “ҳарбий фильмлар” учун тамал тошини қўйиб берди, айни шу дастлабки картиналарда уруш мавзусини ёритиш бўйича муҳим бўлган хусусиятлар шаклланди. Бу хусусиятлар, айниқса, америкалик киношунос олим Роберт Эбъервейн тадқиқотларида [5] назарий жиҳатдан теранроқ асослаб берилиди. Тадқиқотчи илк уруш фильмларини уч турга ажратган. Биринчиси, ҳарбийларнинг реал ҳаёт тарзини ёритган ва “далилий маълумотларга” асосланган фильмлар бўлиб, улар сирасига “Янги аскарнинг чойшабда улоқтирилиши” (инг. “Blanket-Tossing of a New Recruit”, 1898, кадрда ҳарбийлар сафига кўнгилли бўлиб қўшилган янги аскарнинг сафдошлари томонидан чойшабда тепадан пастга улоқтирилиши акс этган), “Идиш юваётган аскарлар” (инг. “Soldiers Washing Dishes”, 1898), “Сантиаго томон ҳарбий йўл тушираётган қўшин” (инг. “Troops Making Military Road in Front of Santiago”, 1898), “Қайиқка чиқаётган ярадор аскарлар” (инг. “Wounded Soldiers Embarking in Row Boats”, 1898) сингари картиналарни киритиш мумкин. Иккинчи турга мансуб фильмларни эса уруш воқеаларини “реконструкциялаган”¹

1 Ўтмиш воқеа-ходисаларини, тарихий антуражни қайта жонлантириш, яратиш. Қадимги иншоот, санъат асари ва шу кабиларни уларнинг ҳозиргача сакланиб келган айрим бўлакларига, ёзма манбалардаги



[1; 374] картиналар ташкил этади. Испания ва Америка ўртасида 1898 йил авж олган уруш таъсирида яратилган “Азалий шон-шұхратнинг Морро қасри узра юксалиши” (инг. “Raising Old Glory Over Morro Castle”, бошқа номи “Испания байроғининг құлатилиши”, реж. Стюарт Блэктон, 1898), “Америка пиёда аскарларининг Эль-Канида суворилари томонидан күзатиб борилиши” (инг. “US Infantry Supported by Rough Riders at El Caney”, реж. Жеймс Х. Уайт, 1899) каби фильмларда энді реал уруш манзараси эмас, балқи унинг шартли ижрочилар воситасида жонлантирилган лавҳалари күрсатилди. Мазкур фильмлар гарчи содда мазмун ва оддий кадрлардан ташкил топған бўлса-да, улар уруш мавзусининг ғоявий ривожланишида муҳим ўрин тутган. Масалан, кўхна қаср фонида Испания байроғининг пастга туширилиб, унинг ўрнига АҚШ байроғининг кўтарилишинигина тасвирловчи “Испания байроғининг құлатилиши” фильми “миллатни шарафлаш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, устувор ижтимоий ва маданий қадриятларни илгари суриш каби ҳарбий фильмлар жанрининг асосий идеологик мақсадларини аниқлаб берди” [4; 76].

Уруш ҳақидаги дастлабки фильмларга хос бўлган яна бир жиҳат уларнинг номланишида фильм нима ҳақида эканига ишора мавжудлигидир. Фильм номининг ўзи унда нималар акс этганини англатиб турган. Жумладан, “Америка пиёда аскарларининг Эль-Канида суворилари томонидан күзатиб борилиши” фильмида худди шу каби узун номга эга бошқа картиналарда намоён бўлганидек, фильм номланишида ургу берилган жараёнлар айнан кўрсатилган.

Испан-Америка уруши мотивларини давом эттирган “Муҳаббат ва уруш” (инг. “Love and War”, реж. Жеймс Х. Уайт, 1899) фильм эса илк уруш фильмларининг учинчи турини белгилаб берди. Мазкур фильм уруш тўғрисида ҳикоя қилувчи биринчи американча *воқеий* (*сюжетли*) картина бўлиш билан бирга, номида “уруш” сўзи ишлатилган дастлабки фильм хисобланади [5; 6]. Фильмда маълум драматургик қонуниятлардан (композицион қурилиш, конфликт, сюжет, ғоя, қаҳрамонлар) фойдаланилгани боис, хронометраж (уч дақиқадан ортиқ) ва воқелик жиҳатидан “Муҳаббат ва уруш” картинаси 1898-1899 йилларда уруш тематикасида яратилган бошқа фильмлардан савиялироқ даражага кўтарилиган. Фильм уруш ва унинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи шартли содда сюжетга қурилган: бир йигит оила аъзолари билан хайрлашиб, урушга жўнаб кетади, кейинги кадрда унинг ҳалок бўлгани тўғрисида уйдагилари хабар топади, бу вақтда йигитнинг жанг майдонидаги кураши, қуролдош дўстининг ҳаёти эвазига жони омон қолиши ва яраланган ҳолда, дала госпиталига ётқизилиши акс этади. Фильмнинг сўнгги кадрлари йигитнинг оиласи ва севгилиси бағрига қайтиши, уларнинг хурсандчилиги билан яқунланади.

“Испания-Америка уруши ҳақидаги уч турга мансуб бу фильмлар хужжатли ва ҳикоявий унсурларни намойиш этганки, улар, яъни байроқнинг кўтарилиши; жанг қилиш учун уйдан жўнаб кетиш; лагердаги ҳаёт; фронторти; жанг; жасорат кўрсатиш; ярадор бўлиш; ўлим; госпиталга юборилиш; ғам-қайғу; муҳаббат; ғолибона уйга қайтиш, оиласи ва севгилиси билан қайта топишиш сингари элементлар уруш тўғрисида кейинчалик яратилган барча фильмларда кузатилади” [5; 9-10]. Ҳақиқатан, жаҳон миқёсида уруш мавзусида яратилаётган ҳозирги замонавий фильмлар воқеаларига назар ташланса, айнан илк уруш фильмларида олиб чиқилган элементларнинг ривожлантирилгани, бадиий-техник жиҳатдан бойитилгани кўринади. Бу жиҳатлар уруш ҳақидаги дастлабки фильмларнинг нафақат тарихий аҳамиятини, балқи кино санъатида бугун алоҳида катта ўналишга айланиб ултурган уруш мавзусининг, ҳарбий тематиканинг юзага келиши ва ривожланишида ҳал қилувчи ўрин тутганлигини тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. 374-б.
2. Садуль Ж. Всеобщая история кино. Том 1. Стр. 367
3. James Chapman. War and film. – Great Britain, 2008.
4. New Perspectives on the War Film / Jennifer L. Gauthier. The Other Fights Back: Indigenizing the War Film. – Switzerland, 2019.
5. Robert Eberwein. The Hollywood war film. 2010.

тавсиф ёки тасвирларига асосланиб қайта тиклаш.



TASVIRIY SAN'ATDA SHARTLILIK TUSHUNCHASI.

Sh.Toshkentboyeva

Kamoliddin Behzod nomidagi
Milliy rassomlik va dizayn instituti
Tasviriy san'at fakulteti 2- kurs
magistranti

Annotatsiya

Ushbu maqolada Tasviriy san'atdagi shartlilik tushunchasi haqida batafsil ma'lumot berilgan. Va bu tushuncha ilmiy jihatdan tahlil qilingan. Maqola hozirgi kunda yosh ijodkorlarlar uchun mazkur tushunchaning yetarlicha idrok qilinmasligi bilan dolzarb hisoblanadi. Vaholanki shartlilik nafaqat tasviriy san'at, balki barcha san'at turlari uchun muhim. San'atning asosiy vazifaridan bo'lmissa ta'sirlilik aynan shartlilik darajasi bilan o'lchanadi.

Kalit so'zlar: Shartlilik, ReneMagrit, realizm, garmoniya, obraz, syurealist, realist, proporsionallik, kompozitsiya, badiiy yaxlitlash, syujet.

Har sohada bo'lgani kabi tasviriy san'atda ham o'ziga yarasha atama va tushunchalari bor. Shu jumladan kamina ushbu maqolada tasviriy san'atdagi shartlilik tushunchasiga oydinlik kiritishni niyat qildim. Tushunchalarini tushunishda uning negizini ,ya'ni so'zning kelib chiqishini ,etimologoyasini bilish eng dastlabki vazifa deb hisoblayman.“Shartli- arabcha –talab, holat ,vaziyat,tartib-qoida.biror ish yoki masala yuzasidan o'zaro kelishib olish,o'zaro kelishuv Shartli- biror shart asosida: 1. o'zaro kelishilgan.shartli ishora. 2.Ma'lum shartlar asosida ,biror shart bilan. 3.Biror narsa , hodisani ramz ,tasvir bilan ifodalaydigan.”¹ Tasviriy san'atda ishlatalidigan shartlilik tushunchasi uchun biror bir shart asosida, o'zaro kelishilgan, shartli ishora, biror bir narsani, hodisani ramz,tasvir bilan ifodalash kabi ma'nolar to'g'ri keladi deb hisoblayman. Ya'ni ma'lum bir badiiylikka erishish uchun voqelik, reallik kelishuv asosida qisman yoki butunlay o'zgartirilgan. Shartlilik - san'atning o'ziga xos xususiyatlaridan biri bo'lib, u asarlarning ularda tasvirlangan voqelik hodisalarga mos kelmasligi, ya'ni badiiy tasvirlar va obyektiv voqelik o'rtasidagi farq, nomuvofiqlikdir. Bu ma'lum bir san'at turining o'ziga xos vositalarida hayotni aks ettirishning ma'lum bir usuli. Masalan, rangtasvir va grafikada real olamning uch o'lchamli fazo va uch o'lchamli shakkari ularni ikki o'lchovli tekislikda tasvirlash orqali uzatiladi. Tasviriy san'at misoldida bu tushunchani tahlil qiladigan bo'lsak, rassom oddiy manzarani qanchalik ishonarli, bor bo'yicha qilib tasvirlamasin u bir tekislikdagi surat bo'lib qolaveradi.Bu bir o'xshatish,metafora bo'ladi.Shu o'rinda rassom Rene Magritning “Tasvirning xiyonati” (bu trubka emas) nomli asarini tahlil qilsak. Rene Magrit shu darajada o'zining individual olamida yashaganki, uning uchun yer yuzida faqat o'z suratlari haqiqat bo'lib qolgan. Xolstlarga dunyoviy, oddiy va qiziq bo'limgan narsalarni tasvirlar ekan, u hali ham borligini,mavjudligini his qilib turardi. Tasvirning xiyonati" siymosi uchun Magrit anchayin tanqid ostida qolgan. Hatto uning hamkasb syurealistlari ham uni tushunishmagan. Surat rassom Parijda yashab, ishlaganida chizilgan. Nostandart fikr va g'oyalar tufayli boshqa ijodkorlar Renening falsafiy g'oyalari va obrazlarini ayniqsa iliq qabul qilmadilar. Xolstda chekish trubkasi tasvirlangan. Har bir mazok, har bir chiziq mukammal.Rassomning yuksak mahorati tufayli kartinadagi bliklar butun tekislikni yoritib turganday tuyuladi va kartina markazida joylashgan kichikkina trubka go'yoki juda ham ulkan tasvirlangan.Asarning pastki qismida siz fransuz tilida chiroyli kalligrafik shriftda yozilgan iborani ko'rishingiz mumkin: «Ceci n'est pas une pipe» - "bu trubka emas" degan ma'noni anglatadi.Tanqid ostida qolgan bu asari haqida Magrit keyinchalik quyidagicha fikr bildirdi:“Agar men "bu trubka" deb yozganimda,men aldagani bo'lar edim.” Haqiqatdan ham bu trubka emas edi,balki trubkani eslatuvchi, uning shaklidagi tasvir edi. Biz obyektni ko'ramiz va bu obyekt trubka ekanligini bilamiz.Lekin aslida esa u yerda hech qanday trubka yo'q.Biz uni qo'limizga olib, unga turli burchaklardan qaray olmaymiz.

Rassom tafakkurining o'ziga xos xususiyati – bu uning badiiy obrazlar orqali hayotni qayta ifodalashidir.Buning uchun voqelikni badiiy jihatdan o'zgartirish qobiliyati yetarlicha rivojlangan bo'lishi kerak.Bu degani ijodkor ham tabiatni ko'ra olish, ham uni ma'lum san'at turining shartlari orqali ma'lum obrazga olib kelish va shularning hammasini materialda ko'rsata olish qibiliyatini anglatadi.Ko'pincha talabalar uchun shartlilik tushunchasini idrok qilish qiyin kechadi.Ularda tabiatni idrok qilish mavjud bo'lganda ham, reallikka intilish natijasida shunchaki tabiatni qullik

1 O'zbek tilining izohli lug'ati “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti Toshkent 2006



bilan ko'chiradilar, tabiatdan nusxa olinadi. Shuning uchun han shartlilik san'atning muhim xossalardan hisoblanadi. Keng ma'noda shartlilik san'atning o'ziga xos xususiyatlarining namoyon bo'lishi sifatida tushuniladi, u real voqelik ko'rinishida hayotni ifodalamasligidan iborat bo'lib, uni faqat aks ettiradi. Shartlilik tushunchasini tor ma'noda badiiy haqiqatni obrazli ravishda ochib berish usulidir. “Tasviriy san'at tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak shartlilikning turli darajalarini ko'rishimiz mumkin. Masalan ibridoij jamoa davri tasviriy san'ati shartlilikning yuqori darajasi deyishimiz mumkin. “Kiyiklarni ovlash” (Ispaniya) suratlarda obrazlar shartli (kamon otayotgan ovchilarda bu shartlilik yaqqol seziladi), sxematik, o'ta soddalashtirilgan holda tasvirlangan. Lekin bu shartlilik rassom aytmoqchi bo'lgan fikrni tushunishga halaqt bermaydi. Ov manzarasidagi holat - kiyiklarning jon talvasada qochishi, ovchilarning epchillik bilan olib borayotgan hujumlari, ov paytidagi shijoat, hayajon ibridoij jamoa rassomi tomonidan ifodali talqin etilgan.” O'rta Osiyo (Surxondaryo, Farg'ona), Ozarbayjon (Kobiston)dan topilgan suratlarda ham shu holni ko'ramiz. Zaravutsoy (Surxondaryo), Seymalitosh (Farg'ona) suratlari mashhurdir. Bu suratlarda ovchilarning hayvonlarga hujumi aks ettirilgan. San'atkor o'z asarida voqeа, hodisa, holatning ma'lum bir zumdagи ko'rinishini ifodalab, u tasvir orqali rivojini, mohiyatini ochib berishga intiladi, kishilaming ma'naviy qiyofasi, psixologik holati va boshqa fikrlarni ilgari suradi va tasavvur qiladi”¹ Suratdagi tabiiy shakllar buzilmasa ham, badiiy tasvir tasvirga olingan bilan bir xil emas va bu tasvirni ham shartli deb atashimiz mumkin. Bunday shartlilik faqat san'atning yangi obyekt yaratishini, badiiy obrazning o'zgacha obyektlivlikka ega ekanligini aniqlaydi. Real shartlilik deganda, ular hayot haqiqatidan ketishni emas, balki turlarning o'ziga xosligiga rioya qilishning o'lchovini anglatadi. Realizm reallikni aks ettirishning boshqa shakllari bilan birga shartli shakllardan ham foydalaniadi. Bunday holda, shartlilik badiiy yaxlitlash usuliga aylanadi, bu tasvirning hissiyligi va bir xil hissiy(garmoniya) javobni anglatadi. Ya'ni, shartlilik san'atni yanada samarali, ishonchliroq qilish uchun zarurdir, bu faqat o'z-o'zidan chek qo'yish emas, balki kontentni yetkazish vositasi bo'lishi mumkin. Shartlilik o'lchovi ijodkorning vazifasi, ijodiy maqsad va eng avvalo, obrazning ichki mustaqilligini saqlab qolish zarurati bilan belgilanadi. San'atkor shartlilikdan foydalinishda proportsionallik hissini yo'qotmasligi kerak, bu badiiy obrazni yo'q qilishi mumkin. Badiiy shartlilikdan maqsad har bir o'z olamini yaratishga intilgan va bu maqsadlarda, o'z suratlarida, rassomlar ba'zan obyektlarning proportsional nisbatlarini o'zgartirdilar, asosiy belgilarni yoritish uchun yoritish effektlari haddan tashqari ko'tarishlari mumkin edi va hokazo. Dekorativ kompozitsiyada tabiatdagi muhim o'zgarishlar haqiqatga to'g'ri kelmaydi, bu rang yoki shakldagi obyektlar nafaqat ishlab chiqarishdagi narsalarga to'g'ri kelmaydi, balki real hayotda umuman sodir bo'lmaydi. Rassom biror shaxsni rasmini ishlar ekan, u hech vaqt uni faqat o'ziga o'xshatishga intilish bilan chegaralanmaydi. Rassom shu ishlayotgan tasvir orqali avvalo o'zining fikr va tuyg'ularini tomoshabinga yetkazishga harakat qiladi. Ishlamoqchi bo'lgan tasvirida avvalom bor g'oyasiga mos mavzu, syujet tanlaydi, voqeа kompozitsiyasini quradi, shu yo'lda izlanadi, dastlab hayotni o'rganib, naturani kuzatib, eskitilar chizadi, etyudlar yaratadi. Rassomlik san'atida predmetlaming shakli, hajmi, rangi, ularning o'zaro muvozanatini to'g'ri ko'rsatishda rasmni aniq va to'g'ri ishlashning juda muhim ahamiyati bor. San'atkor o'z asarida real borliqda uchraydigan, balki inson fantaziysi mahsuloti bo'lgan voqeа va predmetlar ham aks ettirilishi, hayotda mavjud bo'lgan hodisalarning ayrim jihatlari o'zgartilib, bo'rttirib ko'rsatilishi ham mumkin. Bundan ko'rinish turibdiki, tasviriy san'at asarlari - insondagi ajoyib fazilat - borliqni bilish, uni o'rganish va sirlarini ochishga bo'lgan ehtiyojlarni qondirishga ta'sir ko'rsatadi. Tasviriy san'at inson ongiga tezda ta'sir etib, unda ezgu hislar uyg'otadigan, kishini ruhlantirib, ma'naviy olamini boyitadigan san'at turlaridan biridir. Uning ta'sir kuchini oshirish esa shartlilik darajasi bilan o'lchanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.O'zbek tilining izohli lug'ati “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti Toshkent 2006
- 2.S.F.Abdirasilov. Tasviriy san'at o'qitish metodikasi. TOSHKENT-2012 www.ziyouz.com kutubxonasi
- 3 «Вероломство образов (Это не трубка)», Рене Магритт ...

1 S.F.Abdirasilov. Tasviriy san'at o'qitish metodikasi. TOSHKENT-2012 www.ziyouz.com kutubxonasi



ТАБИИЙ МУЗЕЙ АШЁЛАРНИ МУЗЕЙ ФОНДИДА ТҮҒРИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ.

Сайдова Нилуфар Баҳодир қизи

Миллий рассомлик ва дизайн институти

2 боскич магистр талабаси

Тел:+998946575685

Аннотация: Уибу мақола орқали сиз табиий илмий музейлардаги ашёларни сақлаши тартиби, уларни фонд заҳирасида тўғри жойлашиши бўйича маълумот олишингиз мумкин. Бундан ташқари ҳайвон тулумларини, ўсимлик гербариylари, энтомологик экспонатларни қай тариқа сақланишини биласиз.

Калим сўзлар: Музей ашёси, зоологик, ботаник экспонатлар, энтомологик коллекциялар, органик ва неорганик ҳолатлар, реставрация ва консервация масалалари.

Музей ашёларини сақлаш - музейнинг музей ашёси ва музей коллекцияси бутсақланишини таъминлаш учун моддий ва ҳуқукий шароитлар яратилишини назарда тутивчи фаолият тури. Музей ашёларини сақлашда нафақатгина уларни ҳисобга олиш ва сақлаш, балки хар бир ашёни органик ва неорганик ҳолатини аниқлаш, физикавий ва химиявий таркибини билиш хамда уларни инобатга олган холда сақлаш муддати, реставрация ва консервация усулларини белгилаш лозим. Бу ҳолатларнинг барчасини амалга ошириш учун музей ходимларининг илмий савијасининг даражаси жуда катта роль ўйнайди. Шу боис ҳам ҳозирги кунга қадар музей ишидаги энг долзарб муаммолардан бири музей ашёларини рўйхатга олиш ва сақлаш масалалари ҳисобланади. Биламизки, республикамизда 1200 дан ортиқ музей фаолият юритиб келади. Аммо барчасини бирдай музей ашёларини тартибли рўйхатга олиб, уларни қоидалар асосида сифатли сақлаб кела оляяди дея айта олмаймиз. Ашёларни бут сақлашда ва келажак авлодга етказишда аввало музей ишида илмий-тадқиқот жараённида куйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- Музей биносининг талаб даражасида бунёд этилиши;
- Музей ашёларни сақлашда ҳарорат ва намлик, ёритиш мосламалари, Ҳавони ифлослантирувчи моддалар ва биологик заарлардан ҳимоя қилиш;
- Музей фондларини сақлаш тизими;
- Музей ашёларини сақлашда реставрация ва консервация масалалари.

Музей бу тарих ва келажак ўртасидаги кўзгудир. Шу боис ҳам унда ўрин олган ашёларни тезда янгича кўринишида ёки бутунлай унинг эскириш жараёнини тўхтатиб бўлмайди. Улар асрлар давомида ўз ёшига яна неча йилларни қўшиб қадимий ашё сифатида намоён бўла бошлади. Уларнинг эскириш жараёнларини ёки таъмирлашга нисбатан узоқроқ вақтни талаб этиш учун музей биносининг талаб даражасида бунёд этилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Янги музей биноларини бунёд этиш ва лойиҳалашда предметларга нисбатан заарланиш ҳолатларига дуч келмайдиган тарзда қуриш керак. Биламизки, музей ашёлари ичida рантасвир асрлари, ҳайкалтарошлиқ намуналари, тўқимачилик буюмлари, қоғоз ашёлар, турли хил ёғочдан ясалган предметлар, заргалик тақинчоқлари ва биологик, зоологик буюмлари ўрин олади. Уларни сақлашда тур хил ҳолатлар, яъни ясалган ашёнинг материалига қараб бино хоналаридаги мухит ҳар хил кўринишида бўлади. Шу сабабли ҳам “Предметларни сақлаш шароитини таъминлаш захира сақловчи ва таъмирловчилар зиммасига юкланди, яъни улар шароит яратишга жавобгар шахс ҳисобланадилар”. Албатта музей биноси доимо экстремал ҳолатлар ёнгин, электр узилиши, сув таъминоти тизимлари ва иситиш тизимларидан эҳтиёт чоралари асосида хавфни бартараф этадиган ёки унга ечим топа оладиган тарзда лойиҳалаштириш зарур. Шу боис ҳам барча бунёд этиладиган музейларда ёнфинга қарши воситалар, хавфсизлик сигнализацияси билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши лозим.

Бугунги кун музейларининг асосий вазифаси тарихий ва маданий қадриятларни сақлаш ҳисобланади. Шу боис музей, музей ашёларини ва заҳирахоналарини сақлаш учун микроиқлимга катта эътибор қаратмоғ лозим. Микроиқлим - музей экспонатлари хавфсизлигига таъсир этувчи асосий омилларнинг комбинатциясидир. Унга ҳарорат ва намликнинг нисбий намлиги, унинг тозалиги, шунингдек ёруғлик каби хусусиятлари



эътиборга олинади. Ушбу омилларнинг оптимал комбинатцияси экспонатларни сақлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Ҳарорат ва нисбий намлик - бу омил музей биносининг умумий технологик стандартлар ва талабларининг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Музей микроиклими учун нисбий намлик кўрсаткичи-ҳаво таркибидаги сув буғлари микдорининг мумкин бўлган максимал ҳароратга нисбатан ҳал қилувчи рол ўйнайди. Экспонатларни сақлаш учун идеал шароит бу залларда ва музей омборида бир хил ҳарорат ва намлик режимини тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Технологик стандартларга мувофиқ ушбу хоналарда ҳаво параметрлари қуйидагича бўлиши керак: ҳароратнинг қишида 160 С дан ёзда 240 С гача ўзгариши мумкин. Аммо энг мақбул ҳарорат (18-220 С) гача ҳисобланади. Музей ашёларини сақлашда ҳарорат ва намлик тизими учун албатта музей ходимлари ва раҳбарияти томонидан мажбурий талаб қўйилади.

Қуритилган ўсимлик намуна (гербариј)ларини тўғри сақлаш учун аввало уларни бириктирган қоғозга эътибор бериш керак. Намуналар оптимал нисбий намлик 40-60% да сақланиши керак. Агар юқори нисбий намлик шароитида сақланадиган бўлса, турли реакциялар пайдо бўлиши мумкин. Намунанинг ўлчами, одатда, гербаријнинг ўлчамига боғлиқ. Тахминан 30 см узунликдаги намуналар 43/28 смлик қоғозга жойлаштирилиши керак.

Ҳайвон тулумларини сақлашда ҳарорат билан биргаликда музей биноси ҳам катта аҳамиятга эга. Намуналарни заҳирахоналарда сақлашда шкаф ичига эмас, балки шифтга илиб қўйиш керак. Улар қаттиқ музлатилган ҳолда қабул қилинади, бу жараёнда турли кислоталар орқали текшириб турилиши мақсадга мувофиқдир. гербаријларнинг қуриши ёки моғорлаб қолиши, мўйналиқ намуналарга эса куя каби зааркунандалар зарап етказмаслиги учун бу жараёнлар маълум муддатда ташкил этилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 37-38. – Б. 12-20..
2. Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – В. 135.
3. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни, М.С.Мухамедова, 2017й

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 12-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000